

Тазкия дарслари (225-дарс). Зоҳидликнинг даражалари



19:00 / 09.04.2023 3169

Зоҳидликнинг биринчи даражаси бориға масрур, йўғига маҳзун бўлмасликдир.

Зоҳидликнинг иккинчи даражаси мансабни мадҳ қилувчи ҳам, сўкувчи ҳам унинг олдида баробар бўлишидир.

Зоҳидликнинг учинчи даражаси Аллоҳ таоло ила қалбан унсу улфат бўлишдир.

Зоҳидларнинг имомларидан бири бўлган Абдуллоҳ ибн Муборак раҳматуллоҳи алайҳи:

«Энг афзал зоҳидлик зоҳидликни яширишдир», деганлар.

Абдуллоҳ ибн Муборак раҳматуллоҳи алайҳининг зоҳидлиги етти иқлимга маълум ва машҳур эди. Аммо у киши жун кийим ҳам, хирқа ҳам киймаганлар. Одамлардан ажраб, қоронғу хонада ўтирмаганлар. Тарки дунё қилиб, мол жамлашдан юз ўғирмаганлар. У кишининг тижорат карвонлари чор атрофни кезар эди. Абдуллоҳ ибн Муборак раҳматуллоҳи алайҳининг тижорий сармоялари тўрт юз минг динорни ташкил қилар эди. Бу улуғ зоҳиднинг йиллик даромадлари юз минг дирҳамдан иборат эди.

Абдуллоҳ ибн Муборак раҳматуллоҳи алайҳининг айтишларича:

«Зоҳидлик бутунлай тарки дунё қилиш, ҳалол касбни тарк қилиш ва яхши ишларга нафақа сарфлашдан юз ўғиришдан иборат эмас. Балки

Зоҳидлик ҳаромни тарк қилишдир.

Зоҳидлик шубҳали нарсаларни тарк қилишдир.

Зоҳидлик ҳар бир ҳалол ва мубоҳдан ортиқчасини тарк қилишдир».

Қисқача қилиб айтганда, зоҳидлик Аллоҳ таолодан узоқлаштирадиган нарсани тарк қилиб, Аллоҳ таолога яқинлаштирадиган нарсани тутишдир.

Машҳур зоҳидлардан Фузайл ибн Иёз раҳматуллоҳи алайҳи Абдуллоҳ ибн Муборак раҳматуллоҳи алайҳидан:

«Эй имом! Сиз бизни зоҳидликка ва озга сабр қилишга амр қиласиз. Аммо ўзингиз Хуросондан Аллоҳнинг муҳаррам юрти бўлмиш Маккага тижорат молларини келтирасиз. Бу қандай бўлди?!» деб сўради.

Шунда Абдуллоҳ ибн Муборак раҳматуллоҳи алайҳи:

«Эй Абу Али! Буни ўз эҳтиёжимни қондириш, обрўйимни сақлаш, Роббимнинг тоатига кўмак олиш учун қиламан. Аллоҳнинг ҳаққини билишим билан уни адо этишга шошиламан.

Эй Абу Али! Сен ва сенинг биродарларинг бўлмаганларингда, тижорат қилмас эдим», деб жавоб берганлар.

Нақшбандия тариқати силсиласининг кўзга кўринган арбобларидан бири Хўжа Аҳрор валий раҳматуллоҳи алайҳи ҳам ҳисобига етиб бўлмайдиган даражада кўп мол-дунёга эга зотлардан бўлганлар.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, зоҳидлик қалбда Аллоҳ таолонинг муҳаббатидан бошқа нарсага жой қолмаслигидир.

«Руҳий тарбия» китобининг 2-жузи асосида тайёрланди